

## VIII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР


2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида ташқи савдо айланмаси 3247,1 млн. АҚШ долларини ўсиш суръати 93,7 %, жумладан 1210,6 млн. АҚШ долларини - экспорт операциялари ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 88,4 %, 2036,5 млн. АҚШ долларини - импорт операциялари ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 97,2 % ташкил этди.

### 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида МДҲ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ dollari)


	январь-сентябрь		2019 йил январь-сентябрга нисбатан % ҳисобида
	2019 й.	2020 й.	
<b>Ташқи савдо айланмаси</b>	<b>3465,9</b>	<b>3247,1</b>	<b>93,7</b>
<i>шу жумладан:</i>			
МДҲ давлатлари	1520,6	1479,0	97,3
бошқа давлатлар	1945,2	1768,1	90,9
<b>Экспорт</b>	<b>1370,0</b>	<b>1210,6</b>	<b>88,4</b>
<i>шу жумладан:</i>			
МДҲ давлатлари	460,5	449,7	97,6
бошқа давлатлар	909,4	760,9	83,7
<b>Импорт</b>	<b>2095,8</b>	<b>2036,5</b>	<b>97,2</b>
<i>шу жумладан:</i>			
МДҲ давлатлари	1060,0	1029,3	97,1
бошқа давлатлар	1035,8	1007,2	97,2

**Вилоят ташқи савдо айланмасида МДХ  
ва бошқа давлатларнинг улуши, %да**

**2019йил январь-сентябр**



**2020йил январь-сентябр**




**2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоят экспорт-импорти таркиби**

	<i>Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, % ҳисобида</i>		<i>Ҳажмидаги ўзгариш, % ҳисобида</i>
	<i>2019 йил январь-сентябрь</i>	<i>2020 йил январь-сентябрь</i>	<i>2019 йил январь-сентябрга нисбатан % ҳисобида</i>
<b>Экспорт таркиби</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>88,4</b>
пахта толаси	8,0	1,0	11,5
озиқ-овқат маҳсулотлари	9,4	13,6	127,4
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	1,8	3,6	182,2
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	0,0	0,0	0,0
қора ва рангли металллар	60,2	57,8	84,8
машина ва ускуналар	2,5	2,0	68,4
хизматлар	0,8	0,6	72,8
бошқалар	17,3	21,4	109,3
<b>Импорт таркиби</b>	<b>100,</b>	<b>100,0</b>	<b>97,2</b>
озиқ-овқат маҳсулотлари	15,7	15,8	97,4
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	7,8	8,7	108,8
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	1,0	3,6	337,6
қора ва рангли металллар	14,9	13,8	89,9
машина ва ускуналар	33,7	36,4	104,9
хизматлар	1,3	1,8	129,8
бошқалар	25,6	19,9	75,9


Экспорт таркибида товарлар 99,4 % улушига эга бўлиб, булар асосан қора ва рангли металлар (57,8 %), бошқа турдаги товарлар (21,4 %), озиқ-овқат маҳсулотлари (13,6 %), пахта толаси (1,0 %), кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар (3,6 %), машина ва ускуналар (2,0 %), шунингдек, хизматлар (0,6 %) гуруҳлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

### Товар ва хизматлар экспорти таркиби (млн.АҚШ доллари)

2019 йил  
январь-сентябр



2020 йил  
январь-сентябр




- Пахта толаси
- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимё маҳсулотлари ва буюмлари
- Қора ва рангли металлар
- Машина ва асбоб-ускуналар

- Хизматлар
- Бошқалар

Импорт таркибида энг катта улуш машина ва асбоб ускуналар (36,4%), қора ва рангли металллар (13,8 %) озиқ-овқат маҳсулотлари (15,8 %), ҳамда бошқа маҳсулотлар (20,0 %) гуруҳлари ҳисобига тўғри келди.

### Товар ва хизматлар импорти таркиби (млн.АҚШ доллари)



2020 йилнинг январь-сентябр ойларида вилоят ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси


	Вилоят товар айланмасида улуши, % ҳисобида	2019 йил январь-сентябр нисбатан % ҳисобида
Россия	22,9	125,0

	<i>Вилоят товар айланмасида улуши, % ҳисобида</i>	<i>2019 йил январь-сентябр нисбатан % ҳисобида</i>
Хитой	18,5	108,2
Қозоғистон	15,5	72,6
Туркия	12,4	68,7
Корея Республикаси	5,2	123,1
Афғонистон	2,3	148,7
Б.А.А	2,0	94,5
Тожикистон	2,0	91,6
Германия	1,7	65,1
Қирғизистон	1,7	119,1
Латвия	1,6	2,3 м.
Украина	1,3	94,9
Литва	1,0	77,0
Италия	1,0	79,5
Беларусия	0,9	64,2
Нидерландия	0,8	141,1
Бразилия	0,7	63,7
Ирландия	0,7	116,6 м.
Озарбайжон	0,7	6,9 м.
Малайзия	0,6	110,9


Экспорт қилинаётган товар ва хизматларнинг асосий қисми Россия, Хитой, Қозоғистон ва Туркия ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу эса умумий экспорт ҳажмининг 69,3 % ини ташкил қилади. Россия, Хитой, Қозоғистон ва Туркияга экспорт қилинаётган товарлар таркибига назар ташласак, асосан энергия манбаалари ва нефт маҳсулотлари, кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳларидан иборат эканлигини кўришимиз мумкин.

**2020 йил январь-сентябрь ойларида МДҲ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби %да**

## Экспорт



## Импорт




Вилоятда ташқи савдони қўллаб-қувватлаш ҳамда МДХ давлатлари билан ушбу соҳадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида 2020 йил январь-сентябр ойларида ташқи савдо айланмасида МДХ давлатларининг улуши 45,5 % ни ташкил этди ҳамда ташқи савдо айланмаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,7 % га ошди.

Бошқа хорижий давлатларнинг вилоят ташқи савдо айланмасидаги улуши 2020 йилнинг январь-июнь ойларида 54,5 % ни ташкил қилган бўлса, 2019 йилнинг ушбу даврида эса ташқи савдо айланмасидаги улуши 56,1 % га тенг эди.

### Тошкент вилоятининг кичик бизнес корхоналарининг

**ташқи савдо айланмаси**  
(млн. АҚШ доллари)



Сўнги йилларда ҳукуматимиз томонидан саноат тузилмасини диверсификатсия қилиниши, экспортни қўллаб-қувватлаш, импорт ўрнини босувчи товар ва маҳсулотларни ишлаб чиқаришни янада оширилиши натижасида вилоят ташқи савдо айланмасида кичик бизнес корхоналарининг улуши ошиб бормоқда.

### **Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти**

2020 йилнинг январь-сентябр ойларида жами 204,1 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот маҳсулотлари 119,9 млн. АҚШ долларига экспорт қилинди (ўсиш суръати – 9,1 % га ошган). Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт таркибига қаралса, 2020 йилнинг январь-сентябр ойларида 122,9 минг тоннадан кўпроқ сабзавотлар 48,2 млн. АҚШ долларига ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан қийматда-9,1 % га ўсган, натурада - 85 % га ўсган.

Шунингдек, 46,4 минг тонна мева ва резаворлар 43,7 млн. АҚШ долларига экспорт қилинган бўлиб, экспорт ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 29,5 % га ўсган.



**2020-йил январь-сентябр, млн. АҚШ  
доллари**



Мева ва  
резаворлар  
46,4 минг  
тонна  
43,7 млн.  
АҚШ  
доллари



Узум  
26,2 минг  
тонна  
24,9 млн.  
АҚШ  
доллари



Қовун ва  
тарвузлар  
7,8 минг  
тонна  
2,3 млн.  
АҚШ  
доллари



Ерён-  
ғоқлар  
0,4 минг  
тонна  
0,5 млн.  
АҚШ  
доллари



Сабзавот-  
лар  
122,9 минг  
тонна  
48,2 млн.  
АҚШ  
доллари

Шуни айтиб ўтиш жоизки, вилоятнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, янги бозорларни ўзлаштириш натижасида мева-сабзавот маҳсулотларини, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва мевалар экспорт қилинмоқда. Жумладан, 2020 йилнинг январь-сентябр ойларида мева-резаворлар ҳамда сабзавотлар экспорт ҳажми 91,9 млн.АҚШ долларига тенг бўлиб, умумий экспортдаги улуши 7,5 % ни ташкил этди.